



Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



Journal of Academic Research and
Trends in Educational Sciences
(JARTES)

VOL. 2, ISSUE 1

ISSN 2181-2675

[www.ijournal.uz](http://ijournal.uz)

IMPROVEMENT OF THE STRUCTURE OF THE BELTING MECHANISM OF WEAVING MACHINES

Makhliyo Abdulkakhorovna Khudayberdiyeva¹

Bukhara Engineering-Technological Institute

KEYWORDS

loom, fabric, rope thread,
berdo, batan mechanism,
kulachok, main shaft

ABSTRACT

The article is related to textile engineering and related to the weaving mechanisms of weaving machines. The weaving mechanism of the weaving machine is hinged on a shaft mounted on the main shaft, a countershaft connected to it, and a three-shouldered lever attached to the shaft. The weaving mechanism is one of the main mechanisms in weaving. The rope acts as a waiting point when the yarn is cast off and the cast rope is glued to the edge of the fabric.

2181-2675/© 2024 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: [10.5281/zenodo.12510437](https://doi.org/10.5281/zenodo.12510437)

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Doctoral Student, Bukhara Engineering-Technological Institute, Bukhara, Uzbekistan
khudayberdiyeva01231989@mail.com

ТҮҚУВ МАШИНАЛАРИ ҚАЙИШҚОҚ ЭЛЕМЕНТЛИ БАТАН МЕХАНИЗМИНИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

KALIT SO'ZLAR/

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

түқув дастгоҳи, түқима, арқоқ ипи, бердо, батан механизми, кулачок, бош вал

ANNOTATSIYA/АННОТАЦИЯ


Мақола түқимачилик машинасозлигига тегишли ва түқув машиналарининг батан механизмлари билан боғлиқдир. Түқув машинасининг батан механизми бош валда ўрнатилган кулачок, у билан боғланган контрукулачокка, батан валига маҳкамланган уч елкали ричагга шарнирли ўрнатилган. Түқув машинаси батан механизми түқима хосил қилишда асосий механизмлардан биридир. Арқоқ ипни ташлашда кутиб туриш ва ташланган арқоқни түқима қирғоғига жипслаш вазифасини бажаради.

Хозирда түқимачилик тармоғини янада ривожлантириш, иқтисодий жихатдан юқори рентабиллик даражасига етказиш учун ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий қилиниши натижасида олинадиган тайёр маҳсулотларни сифат кўрсаткичларининг яхшиланишига эришилади. Бунда түқув корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнидаги дастгоҳлар, асбоб-ускуналарни яхшилаш ва унинг ишчи қисмларини такомиллаштириш натижасида энергия ва ресурдан тежамкор механизмлар яратиш, олинадиган материал (түқима)нинг сифат кўрсаткичлари яхшиланишига олиб келади.

Түқув дастгохининг ишончлигини ошириш, ишлаш вақтни узайтириш, ресурс ва энергия тежаш, бердонинг ип билан юмшоқ ўзаро таъсирини таъминлаш, батан механизмининг иш унумдорлигини ошириш учун түқув дастгохининг батан механизми қайишқоқ элементли втулкаларни қўйиш орқали эриши мумкин.

Түқув дастгохининг батан механизмида бош валга ўрнатилган кулачок ва у билан боғланган контрукулачокка, кулачокларнинг ён томонлари билан туташувчи, батан валининг уч елкали ричагида шарнирли ўрнатилган иккита роликка эга, ричагнинг учинчи елкаси бердони кўтариб турувчи батан бруси билан бирлаштирилган, шу билан бирга қулачок ва контрукулачок эгри чизиқли ёнбоши билан ташқи ҳалқа ва асосни ўз ичига оловчи уланадиган қилиб тайёрланган, уларнинг орасида шунингдек эгри чизиқли шакл билан резина ҳалқа ўрнатилган. Ташқи ҳалқали асосни эгри чизиқли шакл билан бирлаштириш маҳсус елим ёрдамида амалга оширилади. Шу билан бирга иш жараёнида ҳалқали резина амортизаторларни қўллаш ҳисобига роликларнинг кулачоклар билан силлиқ ўзаро таъсири содир бўлади. Бунинг натижасида ишқаланиш, ейилиш ва шовқин пасаяди, механизмнинг пухталиги ошади. Ўзгартириш натижасида унумдорликни ошириш имконияти пайдо бўлади.

Таклиф этилаётган конструкция чизма билан изоҳланиб, бу ерда 1-шаклда батан механизмининг умумий схемаси, 2-шаклда 1-шаклнинг А-А кесими келтирилган.



Тўқув машинасининг батан механизми бош валда ўрнатилган кулачок, у билан боғланган контрукулачокка, батан валига маҳкамланган уч елкали ричагга шарнирли ўрнатилган, кулачокларнинг ён томонлари билан туташадиган иккита роликка эга, ричагнинг учинчи елкаси бердони кўтарувчи батан бруси билан боғланган бўлиб, шуниси билан фарқланадики, кулачок ва контрукулачок уланадиган қилиб тайёрланган ва ҳар бир кулачок эгри чизикли ён томонлари билар ташқи ҳалқа ва асосдан иборат, уларнинг орасида эса эгри чизикли шакли билан резина ҳалқа ўрнатилган.

Тўқув машинаси батан механизми тўқима хосил қилишда асосий механизмлардан биридир. Арқоқ ипни ташлашда кутиб туриш ва ташланган арқоқни тўқима қирғоғига жипслаш вазифасини бажаради. Буғинлар доимий контакда ва юқори куч таъсирида ишлайди.

Шу сабабли тиғ арқоқни тўқима қирғоғига жипслашда ва орқа холатга қайтган вақт ҳар хил емирилишлар, синиб кетишлар пайдо бўлади. Натижада бу дастгоҳнинг ишдан чиқишига ва маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Қайишқоқ элемент буғинлар орасидаги катта куч пайдо бўлган нуқтада қайишқоқ элемент эзилади ва емирилишини олдини олади, тиғ арқоқ ипни тўқима қирғоғига жипслашда қисқа масофада икки марта таъсир этади. Шу билан бирга механизмнинг массасини енгилаштиради. Бундан ташқари арқоқ ипларни тўқима қирғоғига жипсланиш даражаси юқори ва бир хилда бўлади. Бу эса маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келади.

Таклиф этилаётган конструкция чизма билан изоҳланиб, бу ерда 1-шаклда

батан механизмининг умумий схемаси, 2-шаклда 1-шаклнинг А-А кесими келтирилган.

Конструкция бош вал 4 га ўрнатилган корпус 1, кулачок 2, контрукулачок 3 дан ташкил топган. Шу билан бирга кулачок 2 ва контрукулачок 3 уланадиган қилиб тайёрланган, кулачок 2 эгри чизиқли шакли билан ташқи ҳалқа 17, худди шундай эгри чизиқли шакли билан асос 16 дан ташкил топган, улар орасида эса ўзаро маҳсус елим билан бириктирилган бир хил эгри чизиқли шакли билан резина ҳалқа 18 ўрнатилган. Кулачок 2 билан бириктирилган контрукулачок 3 ҳам эгри чизиқли шакли билан ташқи ҳалқа 14, эгри чизиқли шакли билан асос 13 дан уланадиган қилиб тайёрланган, улар орасида эса эгри чизиқли шакли билан резина ҳалқа 15 ўрнатилган бўлиб, улар ўзаро маҳсус елим билан бириктирилган. Ташқи ҳалқалар 14 ва 17 нинг ташқи эгри чизиқли шакллари билан мос равишда батан вали 11 га маҳкамланган уч елкали ричаглар 8 ва 9 га шарнирлар 7 билан ўрнатилган роликлар 5 ва 6 туташади, ричагнинг учинчи елкаси 10 бедро 12 ни кўтариб турувчи батан бруси билан бириктирилган. Эластик резина ҳалқалар 15 ва 18 мойга чидамли материалдан тайёрланган.

Батан механизми қуйидаги тартибда ишлайди. Кулачок 2 ва ва у билан жуфтланган контрукулачок 3 айланма ҳаракатни бош вал 4 дан олади. Шу билан бирга уч елкали ричаг (итаргич) роликлар 5 ва 6 нинг кулачоклар 2 ва 3 нинг ён томонлари билан доимий туташуви ҳисобига тебранма ҳаракат олади. Бу ҳаракат бердо 12 билан брус (ричаг 7 нинг елкаси) 10 га узатилади.

Батан механизмининг иш жараёнида роликлар 5 ва 6 кулачоклар 2 ва 3 нинг эгри чизиқли ташқи ҳалқалари 4 ва 17 билан ўзаро ҳаракат қиласади. Шу билан бирга кулачоклар 2 ва 3 радиусларининг ўзгарувчанлиги ва оғирлик кучлари ҳисобига босим кучлари пайдо бўлади. Эластик резина ҳалқалар 15 ва 18 деформацияланиб, роликлар 5 ва 6 ҳамда ташқи ҳалқалар 14 ва 17 орасидаги босим кучларини амортизациялайди. Бу кучларнинг максимал қиймати арқоқ ипининг урилиши пайтида пайдо бўлади. Кулачок 2 ролик 6, уч елкали ричаг 7 нинг елкалари, брус 10 ва бердо 12 орқали арқоқ или урилишининг асосий жараёнини таъминлайди. Шунинг учун ҳалқа 18 нинг қаттиқлиги, ҳалқа 15 қаттиқлигига нисбатан катта танланган.

Конструкция бош вал 4 ва батан вали 11 нинг юкланишини камайтириш имконини беради, пухталикни оширади, шунингдек унумдорликни ошириш имконияти пайдо бўлади.

Ахборот манбалари

1. Каримов Р.И. “Пахта саноати комплекси машиналари мисолида даврий механизmlар билан такомиллаштирилган юритма динамикаси”. Докторлик диссертацияси, Тошкент, 1993, 170-171 бетлар.

2. Тўқимачилик машиналари конструкцияси, ҳисоблаш ва назарияси асослари. М., “Машиностроение”, 1975, 217-221 бетлар.

3. Патент FAP 01246, Бюл. №10, 2017
4. Мадрахимов Ш., Джураев А. Разработка новых схем батанных механизмов и обоснование параметров упругой связи и ткацкком станке // Научно-технической журнал ФерПИ, 2016. Том 20. №1. с. 135-138.
5. Джураев А. Динамика рабочих механизмов хлопка перебывающих машин // -Ташкент: Фан. 1987. -с. 188.